

Ҳар бир маъруф садақадир



08:48 / 15.08.2021 2136

Абдуллоҳ ибн Язийд Хотмийдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир маъруф садақадир», дедилар».

Шарҳ: Демак, ҳар бир яхшилик, ҳар бир яхши, ширин, фойдали сўзни айтиш ҳам садақа ҳисобланар экан.

Анасдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бир нарса келтирилса, «Буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадийжанинг дугонаси эди», «Буни фалон аёлнинг уйига олиб бориб беринглар, у Хадийжани яхши кўрар эди», дер эдилар».

Шарҳ: Дўстлик, дугоналик, ўзаро муҳаббат қўйишнинг мукофоти қандай яхши экан! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гўзал, яхши, чиройли сўзларни айтмоқдалар. Хадийжа онамиз вафот этиб кетганларидан кейин ҳам у кишига дугона бўлган, у кишига муҳаббат қўйганларни тақдирламоқдалар.

Ҳузайфадан ривоят қилинади:

«Набийингиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир маъруф садақадир», деганлар».

Шарҳ: Бу ҳадис аввалги ҳадиснинг бошқа санад билан келган шаклидир. Бундан ушбу ҳадис жуда кўп кишилардан ривоят қилинган, катта қувватга эга бўлган машҳур ҳадис эканини билиб оламиз. Шу билан бирга, бир оғиз ширин сўз ҳам садақа бўлишини англаб етамиз.

«Одоблар хазинаси» китоби асосида тайёрланди